

1	ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
	Тўлиқ				“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси			
	Қискартирилган				“Ўзбектелеком” АК			
	Биржа тикерининг номи				UTLK			
2	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
	Жойлашган ери				Тошкент шаҳри, Муминова кўчаси 4/2			
	Почта манзили				100011: Тошкент шаҳри, А.Навои кўчаси 28 А			
	Электрон почта манзили				info@uztelecom.uz			
	Расмий веб-сайти				www.uztelecom.uz			
3	ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ							
	Муҳим фактнинг номи				Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар			
	Умумий йиғилиш тури				Навбатдан ташқари			
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси				26.09.2025й.			
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана				06.10.2025й.			
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой				Тошкент шаҳри, Муминова кўчаси 4/2			
	Умумий йиғилиш кворуми				95,5			
	Т/ Р	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
			Ўқлаш		Қарши		Бетараф	
			%	Сони	%	Сони	%	Сони
	1	“Ўзбектелеком” АК акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини ва Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.	99,99	260 528 620	-	-	0,01	77
	2	“Ўзбектелеком” АКнинг кундалик хўжалик фаолиятига кирадиган хизматлар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари рўйхатини тасдиқлаш	100	260 528 697	-	-	-	-
3	“Ўзбектелеком” АК томонидан йирик битим тузилиши	100	260 528 697	-	-	-	-	
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни								
1	1. “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин: Компания акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича овоз беришни соат 12:00 га қадар, яъни йиғилиш бошланганидан кейин икки соат ичида якунлансин. 2. “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг умумий йиғилиши учун Санок комиссияси таркиби қуйидаги тартибда тасдиқлансин: Оллаберганов Сардор Қадамбоевич - “Ўзбектелеком” АК Корпоратив бошқарув ва инвестиция портфели департаменти директори; Махаммадов Адхамжон Махмуджонович - “Ўзбектелеком” АК Корпоратив бошқарув ва инвестиция портфели департаменти директори ўринбосари; Мамайханов Хусан Равшанович - “Ўзбектелеком” АК Корпоратив бошқарув ва инвестиция портфели департаменти бош мутахассиси.							
2	1. “Ўзбектелеком” АК томонидан имзоланган қуйидаги шартномалар маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин: -“Ўзбектелеком” АК ва “CNTIC” компанияси ўртасида (K03253005 – сон билан 2025 йил 28 апрелда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида қайд этилган) 00F202408WL10A сонли							

	“Ўзбектелеком” АКнинг мобил алоқа тармоғини республиканинг шарқий минтақасида янада ривожлантириш (навбатдаги босқичлар)” шартномаси имзоланганлиги; - “Ўзбектелеком” АК ва “CNTIC” компанияси ўртасида (K03253006 – сон билан 2025 йил 28 апрелда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида қайд этилган) 00F202408XX27M сонли “Ўзбектелеком” АКнинг симли алоқа тармоғида маълумотларни узатиш телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш (навбатдаги босқичлар)” шартномаси имзоланганлиги; - “Ўзбектелеком” АК ва “ZTE” компанияси ўртасида (K03253002 – сон билан 2025 йил 28 апрелда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида қайд этилган) S1UZ2025041501FDD сонли “Республиканинг ғарбий минтақасида “Ўзбектелеком” АКнинг мобил ва симли алоқа тармоғида маълумотларни узатиш телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш (навбатдаги босқичлар)” шартномаси имзоланганлиги. 2. “Ўзбектелеком” АК бошқаруви (Н.Хасанов)га режалаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларни имзолаш ваколати берилсин. 3. “Ўзбектелеком” АК томонидан режалаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 2.1-иловада келтирилган кредит шартномаларига мувофиқ жалб этилаётган маблағлари мақсадли сарфланишини таъминласин.
3	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги ПҚ–112-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги келишувларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан “Ўзбектелеком” АК томонидан имзоланган кредит шартномаларига ўзгартириш киритилишига рухсат берилсин. Хусусан: - 3.1-иловадаги жадвалга мувофиқ кредитлар суммасини ва юқорида кўрсатилган кредитлар бўйича умумий қарздорликнинг чекланган суммасини ҳар йили чекланган миқдорда танлаб олиш лимитларини тасдиқлаш; - кредит шартномаларига мувофиқ кредит ресурсларини танлаб олишга буюртма беришга ва молиявий ҳолатдан келиб чиқиб кредит миқдorigа ўзгартириш киритишга розилик Кузатув Кенгашининг қарорига асосан амалга оширилиши, Компания бошқаруви кредит ресурсларидан фойдаланиши юзасидан ҳар чоракда Компания Кузатув кенгаши олдида ҳисобот бериши ҳамда Кузатув кенгаши томонидан ҳисобот бўйича берган салбий хулосаси кредит ресурсларини танлаб олиш учун навбатдаги буюртмасини рад этишга асос бўлиши белгилаб қўйилсин.